

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА НИГОРА НУРИДДИНОВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» ДОСТОНИ
ПОЭТИКАСИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Шарипова Нигора Нуриддиновна

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони поэтикаси 3

Шарипова Нигора Нуриддиновна

Поэтика дастана «Хайрат ул-аброр» Алишера Навои..... 25

Шарипова Нигора Нуриддиновна

Poetics of the dastan «Hayrat ul-abror» by Alisher Navoi 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА НИГОРА НУРИДДИНОВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» ДОСТОНИ
ПОЭТИКАСИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fil508 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна
филология фанлари доктори

Эшонкулов Ҳусниддин Примович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Қарши давлат университети


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» октябрь соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector) @samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 09 куни тарқатилди.
(2021 йил 29 09 даги 80- рақамли реестр баённомаси).




М.К. Мухиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор


Ҳ.А. Асланова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Ш.А. Ҳасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида туркий халқлар адабиётига қизиқиш, бадий-эстетик тафаккур тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган ижодкорлар маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жаҳон илм-фан тараққиётига серқирра ижоди билан беқиёс улуш қўшган, дунё адабиёти тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган туркий мумтоз адабиёт намояндалари меросини, бадий-илмий тафаккур дурдоналарини янгича ёндашув ва тамойиллар асосида тадқиқ этиш долзарб вазифа саналиши баробарида бу йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўламини янада ошириш заруратини белгиламоқда.

Дунё адабиётшунослиги учун энг муҳим илмий муаммолардан бири улуғ шоир ва мутафаккир, туркий халқлар адабиётининг юксак чўққиси Ҳазрат Алишер Навоий ижодининг беназир қирраларини таҳлил қилиш, жаҳон адабиётида Навоий феноменининг жорийланишига ҳисса қўшишдан иборат. Шоир шеърий ва насрий асарларининг жанрий табиати, лексик-семантик, композицион-структур жиҳатлари, поэтика, тил ва услуб масалаларини замонавий адабиётшуносликнинг янги илмий тамойиллари ва мезонлари асосида чуқур ўрганиш долзарб масала ҳисобланади. Хусусан, хамсачилик анъанаси умуммиллий жараён саналиб, унинг таркибига кирувчи ҳар бир дostonни мукамал тадқиқ этиш жаҳон илм-фанида янги саҳифа очади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар жараёнида миллий-маънавий меросимизни дунёга танитиш, буюк аждодларимиз, хусусан, Алишер Навоий ижодий тафаккуридан халқимизни баҳраманд этиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. «Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамияти»ни инобатга олган ҳолда «янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда».¹ Бу эса Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonини монографик планда ўрганиш заруратини белгилаб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2020, 20 октябрь.

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида «Ҳайрат ул-аброр» достонининг баъзи хусусиятларига оид айрим тадқиқотлар юзага келган.

Хусусан, рус¹, турк,² озарбойжон³ ва ўзбек⁴ адабиётшунослигида амалга оширилган қатор тадқиқотларда достоннинг «Хамса»да тутган ўзига хос

¹ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965; Бертельс Е.Э. Навоий. – Т.: Тафаккур қаноти, 2015; Конрад Н.И. Запад и Восток (статья). – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972; Шу муаллиф. Ренессанс ва Навоий // Жаҳон адабиёти. – Т., 2006. Февраль. – Б. 126-130; Шу муаллиф. Алишер Навоий // Тафаккур. 1997. № 10. – Б. 38-41; Бертельс А.Е. Предисловие к поэме «Сокровишница тайн». – М.: Гихл, 1959. – С. 5-16; Крымский А. Низами и его современники. – Боку: Элм, 1981; Бертельс Е.Э. Низами (творческий путь поэта). – М., 1956; Жирмунский В.М. Алишер Навои и проблема Ренессанса в литературе Востока // Литература эпохи возрождения и проблема всемирной литературы. – М.: Наука, 1967.

² Араслы Н.Г. Низами и турецкая литература. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1969; M. Sabir. Alı Şır Nevai. Hayretül-Ebrar. Doktora Tezi, İstanbul Üniversitesi, 1961; Köprülü F. Alı Şır Nevai. – İstanbul, 1941; Levend A.S. Alı Şır Nevai: hayatı, sanatı va şahsiyeti. – Ankara, 1965; Çetidağ Y. Alı Şır Nevai: hayatı, sanatı va eserleri; Fatih Üniversitesi. – İstanbul, 2005.

³ Нагиева Дж. Алишер Навоий и Азербайджанская литература (XV-XIX вв.). – М., 1986; Arasli N. Nəvoi va Azərbaycan ədəbiyyatı // Əlishir Nəvoi Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında. – Bakı: Qartal, 2009; Hacı S. Nizami Gəncəvinin «Sirlər xəzinəsi» və Əlişir Nəvainin «Heyrət ül-əbrar» poemalarının müqayisəli təhlili // Əlişir Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatı. Beynəlxalq elmi konfransın materialları. – Bakı: 2017. – Б. 46-58; Allahverdiyeva Z. Əlişir Nəvainin «Heyrət ül-əbrar» va «Farhad va Şirin» əsərlərində konseptual va kulturoloji prinsiplər // Алишер Навоий иждий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиғидаги ўрни номли халқаро илмий конференция материаллари. – Навоий, 2017. – Б. 125-127; Нагисойлу М. Алишер Навои и азербайджанская поэзия // Алишер Навоий иждий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиғидаги ўрни номли халқаро илмий конференция материаллари. – Навоий, 2018. – Б. 129-132.

⁴ Айний С. Алишер Навоий «Хамса»си. – Т.: Фан, 1978; Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари. – Т., 1959; Шу муаллиф. Навоийнинг иждий методи масалалари. – Т., 1963; Фаниева С. Алишер Навоий. – Т., 1968; Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа иждий уйи, 1991; Шу муаллиф. Алишер Навоий ва халқ иждийети. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа иждий уйи, 2015; Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг салафлари. – Ленинобод, 1967; Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979; Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс тожик адиллари. – Т.: Ўқитувчи, 1989; Фанихўжаева Н. «Хамса» ҳикоятлари. – Т.: Фан, 1986; Ҳаққулов И. Хамса бадииятига доир // Алишер Навоий «Хамса»си. Тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – Б.112-127; Эркинов С.

ўрни, Навоий ва салафлари муносабати, дostonдаги айрим образлар талқини, шунингдек, шоир илгари сурган баъзи ижтимоий, ахлоқий, фалсафий-дидактик ғоялар таҳлилга тортилган.

«Ҳайрат ул-аброр» дostonининг айрим хусусиятларини Фитрат, А.Саъдий, Ойбек, Шайхзода, О.Шарафиддинов, В.Зоҳидов, И.Султон, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, А.Абдуғафуров, Т.Жалолов, М.Муҳиддинов, С.Хидирназаров каби олимлар тадқиқ этган бўлса-да,¹ бевосита дoston поэтикасига оид жиддий тадқиқот яратилмаган. С.Хидирназаров томонидан амалга оширилган «Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonи: дostonда типология ва поэтик архитектура масаласи» номли тадқиқотда дostonнинг композицион қурилиши, типологик тадқиқи ва поэтик архитектура масалалари салафлари илк дostonлари билан қиёсан ўрганилган. Бироқ мазкур тадқиқотда асосан дostonнинг қурилишига эътибор қаратилиб, ғоявий-семантик томонлари тадқиқ этилмаган. Акад. А.Қаюмов фикрича, «Ҳайрат ул-аброр» мазмуни, ундаги фикр ва ғоялар, образ ва персонажлар таҳлиliga махсус бағишланган тадқиқот яратилган эмас».² Олим ўз тадқиқотида ҳам «Ҳайрат ул-аброр»нинг ғоявий-бадий мазмуни тўғрисида сўз боришини, уни бошқа ҳамсанавис шоирларнинг асарлари билан қиёс қилинмаганини таъкидлайди. Бу эса ушбу дostonни кенг аспектда ўрганиш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Мазкур тадқиқот мана шу илмий ва ҳаётий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда диссертация ҳолида шакллантирилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг янгича тамойиллари» (№К–29, 2017–2020 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

«Хамса» анъаналари // Алишер Навоий «Хамса»си. Тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – Б.127-142; Рустамов А. «Ҳайрат-ул-аброр»даги биринчи сарлавҳанинг шарҳи: [«Хамса»нинг 500 йиллигига] // Шарқ юлдузи. – 1985. – № 11. – Б. 135–139; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005; Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV-XX аср манбалари. Филол. фан. док. дисс. – Т., 1998.

¹ Фитрат. Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри. – Т.: Мусулмон Иштирокиюн фирқаларининг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шўъбаси, 1919. Қисқартирилган қайта нашри: Сирли олам. – 1991. – №2. – Б. 6-8; Саъдий А. Творчество Навои как высший этап узбекской классической литературы (Док.дисс.раб), – Т., 1945-1948; Ойбек. Ўн учинчи том. Ўн тўққиз томлик. МАТ. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Шайхзода М. Ғазал мулканиннг султони. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том.– Т.: 1972; Шарафиддинов О. Алишер Навоий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1971; Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1970; Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969; А.Ҳайитметов. «Ҳайрат ул-аброр»да услуб ранг-баранглиги // Навоийнинг ижод олами. – Т. Фан, 2001. – Б.27-45; Шу муаллиф. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993; Қаюмов А. «Ҳайрат ул-аброр» талқини. Асарлар. 1-жилд. 1-китоб. – Т.: MUMTOZ SO`Z, 2008; Абдуғафуров А. Навоий сатираси. – Т.: Фан, 1968. Шу муаллиф. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.,1995; Шу муаллиф. Навоий ижодида сатира. – Т.: Фан, 1972; Жалолов Т. Хамса талқинлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968; Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. («Хамса»ларнинг биринчи дostonлари асосида). Филол.фан.док.дисс. – Т., 1995; Хидирназаров С. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» дostonи: дostonда типология ва поэтик архитектура масаласи. Филол.фан.ном.дисс. – Т., 1990.

² Қаюмов А. «Ҳайрат ул-аброр» талқини. Асарлар. 1-жилд. 1-китоб. – Т.: MUMTOZ SO`Z, 2008. – Б.9

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони поэтикасини, шоирнинг ўз салафлари илк достонига муносабатини аниқлаш, достон структураси, сюжети, композицияси, образлар ва ҳикоятлар генезиси, вазн ҳамда қофия масалалари, ғоявий-семантик, лексик-стилистик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Ҳайрат ул-аброр»нинг «Хамса» таркибидаги муқаддимавий достон сифатида кейинги достонларга таъсирини ҳамда Навоийнинг ўз салафлари илк достонларига муносабатини ойдинлаштириш;

достон структурасидаги ҳар бир боб ва мақолатларнинг вазифасини аниқлаш, ҳамд, наът, муножот ва ҳайратларнинг достондаги муҳим позициясини кўрсатиш;

достондаги образлар тизимини достон сюжети ва композициясига боғлиқ ҳолда таснифлаш ва муаллиф образининг асардаги вазифасини аниқлаш;

«Ҳайрат ул-аброр»нинг вазн, қофия, тил ва услуб масалаларидаги шоир бадиий маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг «Хамса» асари таркибига кирган «Ҳайрат ул-аброр» достони асос қилиб олинди ва қиёсий таҳлил учун Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор», Хусрав Дехлавийнинг «Матлаъ ул-анвор», Абдурахмон Жомийнинг «Тухфат ул-аҳрор» асарларига ҳам муурожаат этилди.

Тадқиқотнинг предметини «Ҳайрат ул-аброр» достонининг поэтикаси, «Хамса»нинг кейинги достонларига таъсири, структураси, образлар тизими, сюжети, композицияси, вазни, асардаги қофия турлари, ҳикоятларнинг ғоявий-бадиий моҳияти, асарнинг тил ва услуб жиҳатларида акс этган шоир бадиий маҳорати масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли ёндашув, таснифлаш, илмий шарҳ, тарихий-қиёсий ва қиёсий-типологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Ҳайрат ул-аброр»нинг муқаддимавий достон сифатида «Хамса»нинг кейинги достонларига очқич вазифасини бажаргани достон таркибидаги кўнгил таърифидаги боб, ҳайратлар, мақолат, ҳикоятларда акс этган муқаддимавий ишоралар ва поэтик хусусиятларнинг кейинги достонларда бадиий образлар моҳиятига сингдирилиб, мукаммал ривожлантирилиши ҳамда кенг кўламли сюжет ҳосил қилиши далилланган;

ҳамд, муножот, наът ва ҳайратларнинг маърифий-ирфоний моҳияти, асар структурасидаги позицияси, шоир эстетик идеалини ифода этиш, достон семантик қурилишини шакллантириш сингари муҳим функциялари аниқланиб, уларнинг «кириш боблар», «муқаддимавий боблар», «илова характеридаги боблар» эмаслиги, хусусан, *ҳайратлар* достонда асосий семантик қатламни, ғоявий-бадиий марказни ташкил этиши исботланган;

достондаги барча образлар асар сюжети ва композициясига боғлиқ ҳолда таркиб топгани, асар сюжети таркибида иштирок этувчи қаҳрамонлар

экани асосланиб, муаллиф образининг дoston умумий сюжетини шакллантириш, асар таркибий қисмларини бирлаштириш ва бошқаришда муҳим компонент эканлиги аниқланган;

Алишер Навоийнинг дoston бадиияти борасидаги маҳорати ва новаторлиги асарнинг қофия тизими, вазн хусусиятлари, асар тилининг ўзига хослиги ва услуб поэтикаси таҳлили орқали асослаб кўрсатилган ҳамда дostonдаги маърифий-ирфоний ғоялар ва бадиий-эстетик жиҳатлар Учинчи Ренессанс даври ёшлари маънавий тарбиясида бирламчи асосга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида чиқарилган илмий хулосалар адабиётшунослик фанини янги илмий-назарий билимлар билан бойитиши баробарида Ўзбек мумтоз адабиёт тарихи, Ўзбек адабий танқиди тарихи, Адабиёт назарияси ҳамда Навоийшунослик каби фанлардан ишчи дастур, дарслик ва қўлланмаларнинг мукамал авлодини яратишга хизмат қилиши асосланган;

Алишер Навоий бой ижодий меросини тарғиб ва ташвиқ қилиш бугунги кунда долзарб вазифа эканлиги, дostonдаги маънавий-маърифий ҳамда ирфоний масалаларнинг бадиий қиммати, мақолат ва ҳикоятларда илгари сурилган умумбашарий ғояларнинг тадқиқи жамиятда маънан етук шахсни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

«Ҳайрат ул-аброр» дostonи поэтикасини ўрганиш, дoston сюжети, композицияси, тили, услуби, образлари, бадиияти масалалари тадқиқи натижасида Ўзбек адабиётшунослиги ва Адабий танқидчилиги тарихи учун зарур илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, таҳлиллар ва улардан чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва аниқлиги, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, тадқиқотда қўлланилган усуллар, фикр ва назарий қарашларнинг тизимли ёндашув, қиёсий-типологик, таснифлаш, илмий шарҳ, тарихий-қиёсий методлар орқали асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дoston поэтикасини тадқиқ этиш асносида чиқарилган илмий-назарий хулосалар Миллий адабиётшунослик, Мумтоз адабиёт тарихи, Адабиёт назарияси фанларининг тараққиёт йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, бу йўналишда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларида муҳим назарий манба вазифасини бажариш, хусусан, навоийшунослик борасидаги билимларни мукамаллаштиришга, мумтоз адабий асарларни яхлит ва атрофлича таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам бериши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, «Хамса» дostonлари поэтикаси бўйича тадқиқотлар яратиш, олий таълимда ўқитиладиган Ўзбек адабиёти тарихи, Навоийшунослик, Адабиёт назарияси фанларига оид дарслик, электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларини

тузиш ва такомиллаштиришда, Навоий асарлари бўйича шарҳлар ёзиш, луғатлар тузиш жараёнида ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достони поэтикасини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

достоннинг жанрий хусусиятлари, достон таркибидаги ҳамд, муножот, наът ва ҳайратларнинг жанр поэтикасини махсус ўрганиш, сюжет ва композицион хусусиятларини образлар тизими билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга оид назарий хулосаларидан ФА-Ф1-Г002 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада белгиланган вазифалар ижросида фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 23 июлдаги 168/1-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа ишининг мумтоз адабий жанрлар поэтикаси, сюжет ва композицияси таҳлилига доир янги илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган;

достон ҳикоятларида акс этган ғоявий-бадий, маърифий-ирфоний ғоялар ҳамда шоир поэтик маҳорати ва услубининг қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодига таъсирига доир назарий хулосаларидан ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 24 июндаги 142/1-сон маълумотномаси). Натижада, Шарқ мумтоз адабиётидаги ҳикоятларнинг маънавий илдизлари маърифий-ирфоний қарашлар билан боғлиқлиги ҳамда Алишер Навоий услубининг қардош халқлар адабиётига таъсирини янада ойдинлаштиришга хизмат қилган;

достондаги илмий-назарий, маърифий-ирфоний, бадий-эстетик ғоялар талқинига оид фикр-мулоҳазаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими томонидан ўтказилган «Навоийлик ёш навоийхонлар», «Навоий достонлари билимдони», «Ёш китобхон» каби турли танловларнинг сценарийсини шакллантиришда ҳамда бўлим тадбирларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлимининг 2021 йил 23 июндаги 23-сон маълумотномаси). Натижада, достонда ифода топган умумбашарий ғоялардан Учинчи Ренессанс даврида маънан етук авлодни тарбиялашда фойдаланишнинг илмий-педагогик мезонлари ишлаб чиқилишига, ёш ижодкорлар қобилиятини ўстиришга, уларни маънавий рағбатлантиришга хизмат қилган;

достон бадиияти, образлар тизими, тил ва услуб масалаларига доир назарий таҳлилларидан Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг «Ассалом, янги кун», «Қадрият», «Адабий муҳит», «Назм ва наво», «Тарихдан сабоқлар» сингари телекўрсатув ва радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 18 майдаги 01-02/44-сон

маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг дoston бадий қиммати ва маърифий аҳамияти борасидаги билимлари такомиллашувига, кўрсатувларнинг илмий даллилларга бой бўлишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар, жумладан, 2 та хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, 10 та республика, 6 та халқаро конференция тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ҳайрат ул-аброр» дostonи «Хамса» таркибида»** деб номланиб, у икки фаслдан ташкил топган. **«Ҳайрат ул-аброр» дostonида муаллифнинг ўз салафларига муносабати»** деб номланган биринчи фаслида «Хамса», хусусан, унинг илк дostonи «Ҳайрат ул-аброр»нинг яратилиши, шоир замондошлари Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Ғиёсиддин Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандийнинг асар ҳақидаги муҳим қарашлари, дoston яратилган даврдаги маданий муҳит ва тарихий шароит; Алишер Навоийнинг Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий сингари Шарқ мумтоз даҳоларидан ўрганган-ўзлаштирганлари; «Ҳайрат ул-аброр»нинг туркий «Хамса»нинг очкичи сифатида кейинги тўрт дostonнинг ғоявий ўзагини ўзида мужассам этиши, илк дostonда кўтарилган муҳим масалалар кейинги дostonларда образлар воситасида бадий талқин қилиниши, мукамал ривож топиши ва такомиллига етиши; шоирнинг салафлари Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий илк дostonларининг «Ҳайрат ул-аброр»га мавзу, таркиб, ғоя, вазн, тил ва услуб нуқтаи назаридан таъсир даражасини

аниқлаш, Навоийнинг анъанага муносабати ва бешликнинг илк достонига киритган янгиликлари тадқиқ этилган.

«Ҳайрат ул-аброр» дидактик руҳнинг устуворлиги, образлар ранг-баранглиги, ўз давридаги бир қатор долзарб муаммоларнинг рўй-рост очиб берилиши, хусусан, туркий тилдаги улкан обиданинг илк муқаддимавий достони сифатида шоирнинг «Ҳамса» ёзишдан мақсад-муддаосини тўлатўқис ўзида намоён эта олиши ва мавзу кўламининг кенглиги билан «Ҳамса»нинг кейинги достонларидан ажралиб туради. «Ҳайрат ул-аброр» «Ҳамса»нинг бошқа достонларидан фарқли равишда бир неча қасидалар, ҳикоятлар мажмуасидир. Достонда эпик тасвир эмас, фалсафий талқин устунлик қилади, муаллифнинг таъриф ва тавсифлари етакчи рол ўйнайди, сюжет ва воқеалар баёнини шоирнинг фикру қарашлари бошқариб туради. Инсон кўнгли, уни барча мавжудотлардан азиз ва муқаррам қилиб турувчилар руҳий олами манзаралари, коинот ва инсон, жамият ва шахс муносабатлари, Тангри инсонга инъом этган ҳаёт ажойиботларидан ҳайратланиш «Ҳайрат ул-аброр» достонининг ғоявий-бадий мазмунини ташкил этади. «Бу достон «Ҳамса»да баён этиш кўзда тутилган сиёсий, ижтимоий ва фалсафий фикрларнинг қисқа – мухтасар конспекти ёхуд «Ҳамса» деб аталган бу улуғ ва гўзал полотнонинг эскизидир».¹ Шу жиҳатдан мазкур достонни яхлит планда ўрганиш долзарб масала бўлиши баробарида «Ҳамса»нинг кейинги достонлари моҳиятини теран англаш учун ҳам муҳим пиллапоя вазифасини ўтайди.

Алишер Навоий анъанага мувофиқ ўз «Ҳамса»сининг илк достонини «Ҳайрат ул-аброр» деб аташ баробарида муножот ва наътлардан сўнг уч ҳайратни киритади. Достоннинг асосий ўзак ғояси сифатида унинг номланишидаги *аброр* тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш муҳимдир. Маълумки, *аброр* – (арабча: *барр* сўзининг кўплиги – яхши ахлоқлилар) [тасаввуф] – солиҳ амалларни бажарувчи кишилар, ирфоний истилоҳда яхши фазилатли инсонлар; тариқатда Аллоҳнинг хос бандаларидирлар. Улар қалбни поклаш жараёнида Аллоҳ томон сайрнинг бир нечта мақомларини босиб ўтгандирлар.² Алишер Навоий «Ҳамса»нинг биринчи достонини «Ҳайрат ул-аброр» деб аташ билан бу мақомга оид ўзининг фалсафий қарашларини ифода қилган:

Ҳайрати аброр кўруб зотини
«Ҳайрат ул-аброр» дедим отини.

Уларнинг аброрлик зотидан ҳайратланиб, (достоннинг) номини «Ҳайрат ул-аброр» деб қўйдим.

Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида Навоий «Ҳамса»сини яратишда Низомий анъаналарига таянганини таъкидлайди.³ Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида «Аввалким «Ҳайрат ул-аброр» боғида таълим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи «Махзан ул-асрор»идин

¹ Жалолов Т. «Ҳамса» талқинлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.15-16.

² Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. – № 37-40. – Б.174.

³ Қаранг: Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро // Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. – Б.15-16.

бошимга дурлар сочибдур» дея бу фикрни тасдиқлайди.¹ Таъкидлаш ўринлики, Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да барча салафларидан андоза олди ва айна пайтда услуб, ғоя, мазмун, таркиб, бадиият ва образлар нуқтаи назаридан уларникига ўхшамаган оригинал муқаддимавий дostonни яратди. Навоий мақолатларида тасаввуфий-маърифий моҳият кучли. Шунингдек, ҳар бир боб, мақолат ва ҳикоят замирида ўз даври ижтимоий-сиёсий муаммоларига реал муносабат акс этган. Алишер Навоийнинг илк дostonи *навоиёна услуб* («навоиёна услуб», «олий услуб» – Ё.Исҳоқов)да битилган, унда муаллифнинг шоир сифатида тафаккур закosi, мутафаккир сифатида теран қарашлари, давлат арбоби сифатида салбий тоифа вакилларига ўтқир истехзо ва танбеҳлари, буюк олим сифатида тенгсиз назарий таҳлиллари, халқ раҳнамoси сифатида халқона панд-насихатлари ўз ифодасини топган.

Бобнинг иккинчи фасли *«Ҳайрат ул-аброр» дostonининг структураси* деб номланади. Мустақилликкача «Ҳайрат ул-аброр»нинг қатор нашрларида дostonнинг аввалги ўн бир бoби киритилмаган. Шоирнинг маърифий-ирфоний қарашларини ўзида сингдирган, масалалар изчиллигида муҳим ўрин тутган мазкур боблар: басмала, бир ҳамд, тўрт муножот ва беш наът, табиийки, дoston юзасидан амалга оширилган муҳим тадқиқотларда ҳам адабиётшунослар эътиборидан четда қолган.

Асарнинг композицион қурилишидан келиб чиқиб, дostonнинг таркибий асосларини белгилаб олиш муҳим. Унинг архитектоникасида басмала (1-боб), ҳамд (2-боб), 4 муножот (3-6 боб), 5 наът (7-11 боб), салафларига муносабат (12-13), сўз таърифида (14-15 боб), ҳукмдор мадҳи (16-боб), кўнгил таърифи (17-боб), уч хайрат (18-20), Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор мадҳи (21-боб) каби манбалардан сўнг мақолатлар (22-61) келтирилиб, алоҳида боб (62) доирасида хулосавий талқин берилади. Унда «Ҳақ маъмурайи эҳсонидан маскани афв тиламак» ва сўнгги бобда (63) «Қул ҳикояси» келтирилган бўлиб, бу дostonнинг структуравий асосларини ташкил этади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг биринчи бoбида Алишер Навоий муқаддас Қуръони каримдаги бош илоҳий жумла «Бисмиллаҳир-роҳмани-р-раҳийм»ни поэтик шарҳлайди. Ушбу боб бутун «Хамса» учун муқаддимавий боб бўлиб, салафларидан фарқли равишда Навоийда басмала боб поэтик жиҳатдан мукамал шаклланган. Басмала бобдаги тасаввуфий-фалсафий талқинлар муножот ва наътларга замин ҳозирлайди. «Ҳайрат ул-аброр»даги ҳамд боб – 42 байт, тўрт муножотнинг умумий ҳажми – 167 байт. Улар орасида учинчи муножот 50 байтдан иборат бўлиб, қолганлари ҳажман жиддий тафовутга эга эмас: биринчи муножот – 42 байт; иккинчи муножот – 37 байт; тўртинчи муножот – 38 байтдан ташкил топган. Муножотлар тўлиғича Қуръони карим ва ҳадиси шариф маърифати нури билан йўғрилган бўлиб, тавҳид илмининг асослари бадиийлик ва илмийлик қўшилган ҳолда баён қилинади. Уларда шоир қарашлари Аллоҳ → Олам → Одам бирлиги доирасида баён этилиб,

¹ Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. ТАТ. Ўнинчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б.520.

Аллоҳнинг чексиз қудрати туфайли Оламнинг яратилиши; турфа гўзалликлари ҳамда жами ажойиботлари орасида энг буюги ва мукаммали Одам эканлиги, аслида бутун олам инсон туфайли яратилгани, унинг хатти-ҳаракатлари, одамийлиги, маърифати дунёни меъёрга солиб турувчи чексиз куч эканлиги муножотларнинг асосий ғояси саналади.

«Ҳайрат ул-аброр»даги бешта наътнинг тўрттаси (7-10-боблардаги) Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаёт йўли, таърифига бағишланган бўлиб, 11-бобдаги битта наътда Меърож туни таърифи келтирилган. Достоннинг 7-10-бобларидаги наътларда «Нури Муҳаммадия»нинг яралиши, Расули Акрамда нубувват нишонларининг юз бериши, ислом динининг пайдо бўлиши, бутпарастларга қарши кураш, пайғамбарлик мўъжизалари, исломнинг қудрати, Қуръони карим ва ҳадиси шарифнинг шуҳрати, халифалар ибрати хусусида сўз боради. Бу бобларда ўрни билан пайғамбар алайҳиссалом мадҳ этилиб, комиллиги бот-бот таъкидланса-да, унда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаёти, фаолияти хусусида муайян тарихий воқелик ва ҳақиқат вақт ва замон контекстида тадрижий акс эттирилган. Ҳамд ва муножотлардан сўнг наътлар келиши ижодий анъана талаби бўлиш билан бирга исломий иймон-эътиқоднинг бутун инсоният ҳаётида буюк бурилиш ясаганлиги, жоҳилиятга, бутпарастликка, сохта «худолар»ни кўпайтириб олган мажусийликка қарши тинимсиз, машаққатли курашларга етакчилик қилган пайғамбарларни эъзозлаш билан ҳам боғлиқдир.

Достон структурасида муҳим ўрин эгалловчи *ҳайратларда* ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний, маърифий, ирфоний масалаларни ўзида жамловчи инсонийлик мезони – кўнгил оламининг сифатлари очилади. «Ҳайрат ул-аброр» ҳайратлари Хожа–Кўнгилнинг Ҳақ таоло яратган олам ажойиботларидан ҳайратланиши беғараз, илоҳий манзаралар тажассуми сифатида иймон-эътиқодда чин истаклар самарасидир. Достоннинг асосий ғоявий мазмуни ҳайратлар қисмида юксак услубда, бадиий ва руҳий кашфиётлар даражасида ёритилади. Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий достонларида хилват – суфийнинг ғайб олами сирларини идрок этиб, қалби нурланиши бўлса, Навоий ҳайратларида Хожа–Кўнгилнинг ғайб оламларига сайри ва бу олам ажойиботларидан ҳайратланиши мукаддиманинг семантик структурасини ташкил этади. Бу ҳайратлар кўпроқ «Сабъаи сайёр»даги етти мусофир-сайёҳнинг қиссаларида равшан юз кўрсатади. «Лайли ва Мажнун»да илоҳий ишқ, вафодорлик, жунунлик ҳайратлари, «Фарҳод ва Ширин»да ҳақиқий ишқ, ёр васлига етиш учун чекиладиган риёзатлардан ҳайратланиш асарнинг ғоявий-бадиий марказини ташкил этади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг композицион-структурал хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, профессор М.Муҳиддинов мақолатларгача бўлган бобларда муаллифлар ўзларини бироз «эркинроқ» ҳис этганларини, нечта муножот ёки наът ёзишни ихтиёрий танлаганларини, фақат мақолатлар қисмига келганда, мақолатлар сони йигирмата бўлишига қатъий амал қилинганини

таъкидлайди.¹ Мақолатлар сони хамсачилик анъанаси талаби билан тенг бўлса-да, ғоявий-йўналиши, мазмун моҳияти, муаллиф концепциясини акс эттириши нуқтаи назаридан бир-биридан тубдан фарқ қилади. «Ҳайрат ул-аброр» мақолатларида Навоий яшаган давр руҳи ва ижтимоий ҳаёт муаммолари муайян изчилликда ифода топган. Мақолатларда Навоийнинг масала ечимига доир кўрсатмалари, йўриқномаси, муаммога муносабати аниқланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Достоннинг сюжет ва композицион жиҳатлари**» деб номланиб, достоннинг сюжети, композицияси; ҳикоятларнинг семантик-структуравий жиҳатлари, таснифотига оид масалалар; образлар таснифи, генезиси қиёсий-типологик контекстда ўрганилган. Бобнинг «*Достоннинг сюжети ва ундаги образлар тизими*» деб номланган биринчи фаслида «Ҳайрат ул-аброр»нинг сюжет хусусиятлари ўрганилган ва достондаги умумий образлар тизими таснифланиб, салафларининг илк достонлари билан қиёсан тадқиқ этилган.

Достон композициясидан келиб чиқиб, шунингдек, проф. Н.Маллаев тадқиқотларига таянган ҳолда асардаги образларни достондаги масалаларнинг ривожланишида ва асар қурилишида тутган ўрнига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчиси – достоннинг бош қаҳрамони Навоийнинг ўзи;

иккинчиси – мақолатлар ва мақолатларгача бўлган боблардаги тавсифий образлар – портрет ва характерлар;

учинчиси – ҳикоят ва масаллардаги эпик образлар.

Бу ноанъанавий тартиб, асосан, асар структурасидан келиб чиқиб белгиланди. Достон таркибидаги ҳикоят ва масаллар, биринчидан, алоҳида асарлар сифатида, иккинчидан, боб ёки мақолат таркибида келтирилиш сабаблари ва достоннинг умумий ғоясига боғловчи ришталар асосида ўрганилди. Бунда Навоий тутган бадиий йўли таҳлил йўналиши сифатида асос қилиб белгиланди. Бу билан, умуман, достоннинг образлар тизими эмас, балки асар сюжети таркибида иштирок этувчи қаҳрамонлар тартиби йўсини танланди.

I. Муаллиф образи. «Ҳайрат ул-аброр» композициявий структураси ва сюжет қурилиши жиҳатидан «Хамса»нинг ягона эпик сюжетга эга бўлган кейинги достонларидан буткул фарқ қилади. Кейинги достонларнинг барчасида муайян сюжетдан келиб чиққан ҳолда қатор қаҳрамонлар линияси мавжуд. «Ҳайрат ул-аброр»нинг мақолат ва ҳикоятларида ҳам бир қатор қаҳрамонлар гуруҳи кўзга ташланади, бироқ достон муқаддимасидан хотимасигача турли масалаларда китобхонга доимий ҳамроҳлик қиладиган, уни образлар оламига олиб кирадиган, мақолат ва ҳикоятлар моҳиятига ошно этадиган бош қаҳрамон – шоирнинг ўзи. «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий фикру қарашлари достонни боғлаб, бирлаштириб, бошқариб, ўзаро алоқага киргизиб туради. Достонга ошно бўлган китобхон достон марказида шоир

¹ Муҳиддинов М. Комил инсон-адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005. – Б. 87.

шаҳси турганлигини, барча мақолат ва ҳикоятлар унинг маънавий олами билан боғлиқлигини яққол идрок этади.

«Ҳайрат ул-аброр» достонида илк басмаладан бошлаб хотимагача, ҳамд, наът, салафлар, сўз, кўнгил таърифидаги боблар, уч хайрат, мақолатлар ва ҳикоятларнинг барчасида муаллифнинг муносабати, аралашуви, кечинмалари аниқ, равшан ўз аксини топган. Хусусан, ҳар бир бобнинг аввалида келтириладиган дебочалар муаллиф «мен»ини тўла акс эттириши эътиборлидир. Боблар сўнгида бир неча байтларда шоирнинг ўзига, соқийга мурожаатларида ҳам муаллиф образининг бадиий концепцияси, қиссадан ҳисса тарзидаги теран қарашлари, ўткир даъват ва чақириқлари ўз аксини топганки, бу ўринларда муаллиф шахсияти китобхон тасавурида янада ёрқинроқ гавдаланади.

II. Мақолатгача бўлган боблар ва мақолатлардаги тавсифий портретлар:

1) *Мақолатгача бўлган бобларда қуйидаги портрет ва характерлар учрайди:* салафларнинг тавсифий портрети (XII, XIII боблардаги Ганжавий, Деҳлавий, Жомий портрети); султонлар портрети (XVI бобдаги Ҳусайн Бойқаро портрети); сўфийлар портрети (XXI бобдаги Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Убайдуллоҳ портрети).

2) *Достон мақолатларида учрайдиган портрет ва характерлар:* султонлар портрети (учинчи мақолат); риёкор шайхлар портрети (тўртинчи мақолат); сахий ва саховатсиз кишилар портрети (бешинчи мақолат); адабли ва адабсизлар портрети (олтинчи мақолат); қаноатли ва қаноатсиз кишилар портрети (еттинчи мақолат); вафоли ва вафосиз кишилар портрети (саккизинчи мақолат); ҳақиқий ошиқлар портрети (тўққизинчи мақолат); тўғрисўз ва ёлғончилар портрети (ўнинчи мақолат); олим ва жоҳиллар портрети (ўн биринчи мақолат); мақбул ва номмақбул котиблар портрети (ўн иккинчи мақолат); булутдек фойда келтирувчи инсонлар портрети (ўн учинчи мақолат); жаҳолат майининг қуйқасини ичадиган кишилар портрети (ўн бешинчи мақолат); хунаса sifat олифталар портрети (ўн олтинчи мақолат).

III. *Ҳикоят ва масаллардаги эпик образлар.*

Бу гуруҳга дostonнинг йигирмата мақолатига илова қилинган ҳамда сўнги бобдаги жами йигирма бир ҳикоят ва масаллардаги эпик образлар киради. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) *пайғамбарлар, суфийлар, азиз авлиёлар образи;* 2) *ҳукмдорлар образи;* 3) *турли ижтимоий тоифадаги кишилар образи;* 4) *жониворлар образи.*

Биринчи гуруҳга марҳаматли Айюб, Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Робиаи Адвия, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Ироқий, Шайх Сухравардий, Абдуллоҳ Муборак, Зайнул-обидин, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср Порсо сингари пайғамбар, мутасаввиф-шайх ва авлиё зотлар образини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ образларга Шох Ғозий (Султон Ҳусайн Бойқаро), Нўширавон, Амир Темур, Муҳаммад Хоразмшоҳ, Искандар ва Баҳром сингари тарихий ҳукмдорлар киради. Шунингдек, тўққизинчи мақолатга илова қилинган ҳикоятдаги Шом ҳукмдори ва шахзодаси, ўн саккизинчи

мақолат таркибидаги Чин ҳукмдори ҳамда хотимадан кейинги ҳикоятдаги олижаноб шоҳ образлари афсонавий ҳукмдорлар саналади.

Учинчи гуруҳга Бистомийнинг муриди (биринчи мақолат), урушда ҳалок бўлган ўғлининг хунини талаб қилган қария (учинчи мақолат), ўтинчи чол (бешинчи мақолат), Нўширавоннинг ёри (олтинчи мақолат), Қониъ (қаноатли) ва Томиъ(қаноатсиз) (еттинчи мақолат), икки вафоли дўст (саккизинчи мақолат), Имом Фахр Розий (ўн биринчи мақолат), котиб Ёқут (ўн иккинчи мақолат), ўғри (ўн учинчи мақолат), Исроилийи Ринд (ўн тўртинчи мақолат), Ҳасан ибн Рабиъ (ўн олтинчи мақолат), Зайнул-обидиннинг фарзандлари (ўн еттинчи мақолат), Чин гўзали, унинг ошиғи (ўн саккизинчи мақолат), деҳқон (ўн тўққизинчи мақолат), қул (сўнгги 63-бобдаги ҳикоят) образларини киритиш мумкин.

Тўртинчи гуруҳга дostonнинг ўнинчи мақолатига илова қилинган масалдаги шер ва дуррож образлари киради.

Кўриниб турибдики, дostonдаги портрет ва образлар ниҳоятда хилма-хил. Ёши, мавқеи, жамиятдаги ўрни, характери нуқтаи назаридан бири-бирдан тубдан фарқ қилувчи образлар танланган. Бу эса дoston мавзу ва ғояси ниҳоятда ранг-баранглиги, жамиятдаги бирор бир ижтимоий тоифа вакили муаллиф назаридан четда қолмаганлиги, дoston аудиторияси кўлами кенглиги, шунингдек, илк дostonнинг китобхони бутун халқ эканлигини кўрсатади.

Бобнинг иккинчи фасли **«Дoston таркибида ҳикоятларнинг ўрни ва унинг композицион жиҳатлари»** деб номланади. Фаслда дoston композицияси, ҳикоятларнинг бадий-маърифий қиммати ва таснифи ҳамда дoston умумий поэтикасига боғланиш жиҳатлари хусусида сўз юритилган. Шу фаслда сюжетдан ташқари композицион жиҳатлар: лирик чекиниш, киритма воқеа ёки образ ҳамда бадий қолиплаш имкониятларидан Ҳазрат Навоий қандай фойдаланганлиги очиб берилган.

Дostonда уч композицион занжир мавжуд: а) *дostonнинг умумий, яхлит композицияси*; б) *мақолатлар композицияси*; в) *ҳикоятлар композицияси*.

Дostonдаги образлар композицион занжирни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. «Ҳайрат ул-аброр»да мақолатлар ва ҳикоятлар ўзаро узвий боғланган бўлиб, муайян ахлоқий, поэтик ғоя мақолатларда муаллифнинг замон, макон, воқелик ҳақида ўз фикри, қарашлари негизида ифодаланади. Ҳикоятларда эса мақолатларда кўриб чиқилган масала, муаммо, ғояга ўтмишдаги донолар, азиз авлиёларнинг муносабати аниқланади. «Ҳайрат ул-аброр» ҳикоятларининг баъзилари сюжетли, баъзилари сюжетсиз; ғоялар, ҳикматларнинг баъзилари муаллиф тилидан, баъзилари зоҳидлар, орифлар тилидан; баъзилари ровий тилидан баён қилинади. Сюжетли ҳикоятларнинг қаҳрамонлари баъзилари тарихий шахслар, подшоҳлар (Нўширавон, Баҳром, Искандар) ва авлиёлар (Боязид Бистомий, Иброҳим Аҳмад, Абдуллоҳ Муборак, Шайх Ироқий ва бошқ.), баъзилари оддий меҳнаткаш инсонлар (ўғлининг хунини талаб қилган қария, ўтинчи чол, қул ва бошқ.), баъзилари жониворлардир (шер, дуррож). Баъзи персонажлар исмсиз, фақат тимсолий

ном билан берилган (тамагир Томиъ ва қаноатли Қониъ). Баъзи ҳикоятларда сюжет тўлиқ, баъзи ҳикоятларда сюжетнинг бир қисми бор.

«Ҳайрат ул-аброр» достони таркибида ҳикоятлар уч муҳим поэтик вазифани бажаради: а) мақолат мавзуидаги масалани далиллаш, асослаш; б) масала агар асосланган бўлса, гоёни бадиий образларда кўрсатиш; в) «Хамса»нинг кейинги дostonлари гоёлари учун муқаддима вазифаси.

Достон ҳикоятларини мавзу ва мазмун жиҳатидан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- а) тасаввуфий-фалсафий руҳдаги ҳикоятлар;
- б) адолат, мардлик ва жасорат мадҳига бағишланган ҳикоятлар;
- в) инсоний фазилатлар ва иллатлар талқин этилган ҳикоятлар;
- г) илм ва илмпарварлик улугланган ҳикоятлар.

Биринчи гуруҳга Боязид Бистомий ва муриди (биринчи мақолат), Иброҳим Адҳам ва Робиаи Адвия (иккинчи мақолат), Абдуллоҳ Ансорий (тўртинчи мақолат), Шайх Ироқий (тўққизинчи мақолат), Айюб ва ўғри (ўн учинчи мақолат), Исроилийи ринд (ўн бешинчи мақолат), Искандар (ўн тўртинчи мақолат), Зайнул-обидин ва унинг ўғли (ўн еттинчи мақолат) ҳақидаги ҳикоятларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга Шоҳ Ғозий (учинчи мақолат), Абдуллоҳ Муборак (ўн олтинчи мақолат), шоҳ Баҳром (ўн тўққизинчи мақолат) ҳақидаги ҳикоятлар мансубдир.

Учинчи гуруҳга кирувчи ҳикоятлар сифатида Ҳотами Тойи (бешинчи мақолат), Нўширавон ва наргис (олтинчи мақолат), қаноатли ва қаноатсиз дўст (еттинчи мақолат), икки вафоли ёр (саккизинчи мақолат), шер ва дуррож масали (ўнинчи мақолат), Чин гўзали ва унинг ошиғи (ўн саккизинчи мақолат), Хожа Муҳаммад Порсо ва унинг ўғли Абу Наср (йигирманчи мақолат) ҳақидаги ҳикоятларни эътироф этиш мумкин.

Тўртинчи гуруҳга Имом Фахр Розий ва Хоразмшоҳ (ўн биринчи мақолат), Ёкут ҳақидаги (ўн иккинчи мақолат) ҳикоятларни киритиш мумкин.

«Ҳайрат ул-аброр»даги барча мақолат ва ҳикоятларни кейинги дostonлар учун муқаддима дейиш, бизнингча, тўғри эмас. Қуйидаги мақолат ва ҳикоятларни кейинги дostonларга мавзу ва қаҳрамонларнинг характерлари жиҳатидан алоқадор дейиш мумкин:

– ишқ ўти ҳақидаги мақолат ва Шайх Ироқий ошиқлиги ҳақидаги ҳикоятнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари мавзуйига яқинлиги;

– султонлар танқиди мақолати ва шоҳ Баҳром ҳақидаги ҳикоятнинг «Сабъаи сайёр» дostonи мавзуйига яқинлиги;

– нафърасонлар – халққа фойда етказувчилар ҳақидаги мақолатнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonида Фарҳоднинг тоғ қазиб, сув келтириш гоёларига яқинлиги;

– Искандар васияти ҳақидаги ҳикоятнинг «Садди Искандарий»да ривожлантирилиши.

Достондаги бошқа мақолат, ҳикоят ва масалларнинг кейинги достонлар мазмунига ўхшамаслиги «Ҳайрат ул-аброр»нинг бошқа достонларга фақат муқаддима эмас, балки мустақил достон эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи боби «Ҳайрат ул-аброр» достони бадийяти масалалари» деб номланади ва икки фаслни ўз ичига олади. «Достоннинг вазн ва қофия хусусиятлари» номли биринчи фаслда достоннинг вазн ва қофия масалалари таҳлил этилган. «Ҳайрат ул-аброр» бешликнинг бошқа достонларидан фарқли ўлароқ сариъ баҳрида яратилган. Алишер Навоий «Мезонул-авзон»да сариъ баҳрига тўхталиб, икки турини эътироф этади:

1) Сариъи мусаддаси матвийи мавқуф; (v v - | v v - | - v ~)

2) Сариъи мусаддаси матвийи макшуф. (v v - | v v - | - v -)

Сариъ турли аслий рукнлар ва уларнинг тармоқларидан ҳосил қилинган баҳрлар сирасига киради. Шайх Аҳмад Тарозий «Фунун ул-балоға»да ўттиз икки баҳрни санаб, сариъ баҳрининг қуйидаги вазнини қайд этиб ўтади:

мус-тафъ-и-лун / мус-тафъ-и-лун / мафъ-у-ло-ту

— — v — / — — v — / — — — v ¹

Шайх Аҳмад Тарозий келтирган мазкур вазн сариъ баҳрининг солим шакли бўлиб, адабиётшунос Д.Юсупова сариънинг солим шакли туркий адабиётда учрамаслигини, шеърятимизда сариънинг фақат сариъи мусаддаси матвийи макшуф ва сариъи мусаддаси матвийи мавқуф шаклларидан фойдаланилганини таъкидлайди.² Асарнинг китобхон меҳрини қозонишида, унда олға сурилган ғояларни маҳорат билан ифодалашда асар учун мос келувчи вазн танлаш, асарнинг бошидан охиригача бир маромдаги мусиқий силсилани яратиш муҳим саналади. Сариъ баҳри рукнлари равон ва оҳангдор, беҳад бой маъноларни ифодалаш имконини бергани учун Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ни сариъ баҳрининг ҳар икки турида ёзди. Достон учун бу баҳр бежизга танланмаган. Биринчидан, бу — анъана талаби эди. Навоийгача бўлган барча «Хамса»ларнинг илк достонлари сариъ баҳрида ёзилган. Иккинчидан, достон учун танлаган бу анъанавий баҳр асарнинг ғоявий руҳига мос тушган. Шоирнинг фалсафий мушоҳадалари, панд-насихат тарзидаги фикрлари, мураккаб ўй ва қарашларини ифодалашда; достон моҳиятини китобхонга етказиб беришда қўл келган.

Достонда сариъи мусаддаси матвийи мавқуфда ёзилган байтлар сариъи мусаддаси матвийи макшуфда ёзилган байтлардан камроқ учрайди. Одатда мисра сўнгида чўзиқ унли, қатор ундош билан тугаган сўзлар ёки ёпиқ бўғин таркибида чўзиқ унлилар келса, сариънинг шу баҳри ҳосил қилинган:

Қил-ди чу Ад-ҳам ха-ла-фи тар-ки жоҳ

— v v — | — v v — | — v ~

То-жи фа-но бо-ши-ға қўй-ди и-лоҳ

— v v — | — v v — | — v ~

Муф-та-и-лун|муф-та-и-лун|фо-и-лон

Сариъи мусаддаси матвийи мавқуф

¹ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2003. 1-сон. — Б.70.

² Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. — Т.: Академнашр», 2020. — Б.141-142.

Бу байтда биринчи ва иккинчи мисралардаги биринчи, иккинчи рукнлар *муфтаилун*, икки мисранинг сўнгги рукнлари *фоилондан* ҳосил қилинган. Қисқа унлилар билан тугаган очиқ бўғинлар қисқа ҳижо, чўзиқ унли – о билан тугаган ҳамда ёпиқ бўғинлар чўзиқ ҳижо ҳосил қилган.

Бу баҳрда чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг мисрада деярли тенг миқдорда келиши ўзбек тили талаффуз меъёрлари учун жуда қулай ҳисобланади.

Бер-ди фа-но е-ли-га мул- ку ха-шам
 – v v – | – v v – | – v –
